



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2010 йил 3 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (11.794)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.**

Бугун Ўзбекистон ва АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичини ривожлантиришга хизмат қиладиган кенг кўламли масалалар бўйича самарали мулоқот борасида салмоқли тажрибага эга.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро англашув руҳида изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Биз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қарор топган муносабатларни юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Бугунги учрашув ўзаро муносабатлар, икки томонни ҳам қизиқтирадиган минтақавий муаммолар ва масалалар бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлади, деб ўйлайман, — деди Ислам Каримов.

Давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларда ўзаро хурмат тамойилларига содиқ эканини таъкидлади.

Президент Жаноби Олийлари! Самимий сўзларингиз ва томонларни қизиқтирган муҳим масалаларни муҳокама қилиш борасида яратилган имконият учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Президент Барак Обама ҳам ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим жиҳатларини муҳокама қилиш ма-

саласига алоҳида эътибор билан қарайди. Расмий делегацияларимиз вакиллари кенг кўламли масалаларни кўриб чиқиш имконига эга бўлган қувонарлидир, — деди Хиллари Клинтон.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни бартараф этиш, давлат чегараларини қўриқлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Томонлар турли дастурлар доирасида мутахассислар учун ўқув тренинглари ташкил этиш орқали мазкур йўналишда мунтазам равишда тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистон гуманитар ва ноҳарбий юрларни ташишда амалий ёрдам кўрсатиш, электр энергияси, озиқ-овқат, қурилиш материаллари билан таъминлаш, транспорт коммуникациялари барпо этиш орқали Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми олти баробар ошди. Ўзбекистонлик мутахассислар стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган Хайратон — Мозори Шариф темир йўлини барпо этмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмайди, деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги позицияси қатъий ва ўзгармасдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

**2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.**

Мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртли ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутган. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад — биргаликда икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, соҳада икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ахборот, тажриба ва технологиялар алмашуви, қўшма семинарлар, илмий конференциялар ва учрашувлар ташкил этиш, олим, эксперт ва бошқа техник мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу илмий-техникавий ҳамкорлик энергетика, ахборот коммуникациялари, биотехнология, соғлиқни сақлаш, нанотехнология, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларни ўз ичига олган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон имзолади.

(ЎЗА)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **БУГУН**дан бошлаб бир ҳафта давомида «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими томонидан Меҳрибонлик ҳамда мурувват уйлари тарбияланувчилари учун хайрия акциялари ташкил этилади.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 35-мактабда «Куз маликаси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 110-мактабда «Асосий Қонун - бахтимиз пойдевори» шиори остида анжуман ўтказилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей ёшларимиз баркамоллиги йўлида изланишлар олиб борилаётган ўқув масканлари сирасига қиради. Жорий ўқув йилида мазкур лицей янги бинога кўчиб ўтиши ўқувчи ва ўқитувчиларга чексиз қувонч бахш этди.**



2010 йил — Баркамол авлод йили

## НУРАФШОН ЁҒДУГА ТЎЛА БАХТИЁР КУНЛАР

450 ўринга мўлжалланган ўқув биноси, спорт мажмуаси, замонавий ахборот-ресурс маркази ёшларнинг чуқур билим олишига хизмат қилмоқда.

Йигирмата фан ва спорт тўғрисида ҳам доимий равишда ўқувчилар билан гавжум. «Абитуриент-2011» ўқув курси бе-пул равишда ташкил қилиниши ва малакали мутахассислар ёрдамида машғулотлар олиб борилиши ҳам эътиборга лойиқ.

Лицейда аниқ фанлар чуқур ўқитилади. Бугунги кунда бу ерда 50 нафар олий тоифали ўқитувчи сабоқ беради. Химия, физика, биология хоналарида ўрнатилган замонавий лаборатория ускуналари ёшларнинг изланишлар, тажриба алмашувлар ўтказишда қулайлик яратмоқда. Янги технологиялар билан жижирланган информатика хонаси ҳам замонавий таълим йўналишида билим олишни таъминлайди.

Лицейда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди академик лицей директори ўринбосари Умида Маҳмудова. — Янги бинода дарсларнинг олиб борилиши барчамизга кўтаринки қайфият бахш этмоқда. Ҳар бир фан ўқитувчиси ёшлар билан алоҳида махсус дарслар ўтайди. Бугунги кунда теран тафаккурли, интилиши ва қизиқиши билан ўз дунёсига сиғмай, илдам ҳаракат қилиб бораётган ўғил-қизларимизнинг фикрлаш даражаси ниҳоятда юқори. Улар замон билан ҳамнафас қадам ташламоқда. Ниятлари ҳам улкан. Янгилик яратиш, ихтиролар сари интилиши мақсад қилган ёшлар кўпайиб бораётгани кувончлидир. Лицейда ўтказилаётган ҳар бир тадбирда улар фаол қатнашаётганлиги фарзандларимиз идрокли ва илмга чанқоқ эканлигини тасдиқлайди.

Давлатимиз томонидан истиқболи порлоқ ёшлар учун барпо этилаётган замонавий ўқув муассасаларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ёшлар қалбига гурур туйғуларини янада шуълалантиради. Уларни келажакка ишонч билан боқишга, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишга қорлайди. Шу қаторда зиммасидаги олий бурчни ҳам теран англаб, янада кўпроқ ўқиш ва изланишга даъват этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейнинг янги кўркем биносига назар ташлар эканмиз, юрт таянчи бўлмиш навқирон ёш авлодга ҳавас кўзлари билан боқамиз. Уларнинг порлоқ келажакда, нурафшон ёғдуга тўла бахтиёр кунларида, илм олиш иштиёқи билан ёнаётган кўзларида юртга бўлган чексиз меҳр ва муҳаббатни кўрамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**XXI аср садоси**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишлаб «Конституция — мамлакатни модернизациялаш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Ўзбекистон Фанлар академиясида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.
- Сирдарё вилоятида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши ўтказилди.
- «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилаётган «Йил аёли-2010» миллий танловнинг Бухоро вилояти босқичи якунланди.
- Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қўнғирот ун заводи» акциядорлик жамияти қошида нон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Иссиқ нон» корхонаси ишга туширилди. Қиймати 350 миллион сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан бу ерда бир кеча-кундузда уч тоннагача унни қайта ишлаш имконияти юзага келди.
- Қарши шаҳрида спортнинг қўл жанги тури бўйича халқаро турнир якунланди. Унда юртимиз спортчилари билан бир қаторда Австралия, Испания, Швеция, Украина, Қозоғистон, Таиланд каби ўндан ортиқ давлатларнинг қўл жанги устаслари иштирок этди.
- Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир якунида 105 нафар йигит-қизга иқтисодчи, ҳисобчи, чилангарлик, муҳандислик, шифокорлик каби кўплаб касблар бўйича ишга жойлаштиришлари учун йўлланмалар берилди.

## ЖАҲОНДА

- Кот д'Ивуарда сиёсий вазият ҳамон нотинчлигича қолмоқда. Давлат чегаралари ёпилган. Мамлакат Конституциявий Кенгаши Президент сайловининг иккинчи тури бўйича марказий сайлов комиссияси эълон қилган натижаларни ноқонуний деб топган ҳолда уни бекор қилди.
- Исроилнинг Хайфа шаҳрида чиққан ёнғин жуда тез тарқалиб, катта ҳудудни қамраб олганлиги сабабли уни жиловлашнинг иложи бўлмапти. Шу боис мамлакат Бош вазيري Б.Нетаньяху Россия, Италия, Греция ва Кипрдан ёрдам сўради. Ҳозирча Греция ёнғинни бартараф этиш учун ўзининг тўртта махсус самолётини юборган.
- Кеча Перуда юк машинасининг бир нечта енгил машиналар билан тўқнашиб кетиши натижасида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди, беш нафар йўловчи тан жароҳатлари олди.
- Кеча Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ФИФА президенти Зеп Блаттер тантанали равишда футбол бўйича 2018 ва 2022 йилги жаҳон чемпионатлари мезбонларининг номини эълон қилди. 2018 йилги чемпионатни қабул қилиш имкониятига Россия эга бўлган бўлса, 2022 йилги оламшумул турнир илк бор араб давлати — Қатарда ўтказилади.
- Покистонда бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши мўлжалланаётган иккита террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Махсус операция чоғида полиция икки нафар террорчи-камикадзени қўлга олди. Дастлабки тергов материалларига қараганда улардан бири масжидда, иккинчиси эса парламент биноси яқинида ўзини портлатишни режалаштирган экан.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилган асосий қоидалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Конституцияси куни арафасида аҳоли ўртасида «Ўзбекистон: Конституциянинг 18 йиллиги» мавзусида сўров ўтказди. Сўров Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, Асосий Қонунда белгиланган бошқа демократик нормалар амалга оширилаётганини қандай баҳолашини аниқлаш мақсадида мониторинг тарзида ташкил этилди.**

Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари аҳолисининг ҳамма қатламлари вакиллари — турли маълумотга эга, турли ёш ва миллатга мансуб эркеклар ҳамда хотин-қизлар иштирокида олинган натижаларнинг юқори даражада ишончлилигини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини таъкидлади.

Тадқиқот истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида мамлакатимиз жамоатчилигининг фикри, фуқароларимизнинг маънавий дунёси ва ҳуқуқий маданияти тубдан ўзгарганини, яққол кўрсатди. Сўровда қатнашган аксарият юртдошларимизнинг фикрича, одамларимизнинг маданияти, маънавий қиёфаси, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, ҳуқуқий савияси анча ошган.

Мамлакатимиз аҳолисининг қонунни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш,

ҳуқуқий муҳитда яшашга интилиши барқарор равишда кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Аксарият сўралганлар бундай

публикаси Конституциясида мустақамланган шахс ҳуқуқ ва эркинликлари принципи тарафдор экани барқарор ўсиб

туциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига**

**ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ**

муҳитда яшаш анча хавфсиз ва қулайлигини таъкидлаган. Бу демократик ўзгаришлар, қонун устуворлиги принципнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалий натижасидир. Жамиятимизда ҳуқуқий билимларни эгаллашга, шу жумладан, мустақил ўқишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда ҳуқуқий саводхонлик нафақат маданиятимизнинг таркибий қисми ҳамда интеллектуал ва одоб-ахлоқ даражасининг кўрсаткичига, балки зарурий эҳтиёжга айланди.

Мамлакатимиз Бош Қомусининг мазмунини яхши биладиган фуқаролар сони ортиб бормоқда. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини биласизми?» деган саволга сўралганларнинг кўпчилиги ижобий жавоб берди. Шуниси қувонарлики, бу кўрсаткич аввал ўтказилган сўровлар натижаларига қараганда анча ошган.

Сўров натижасида жамиятимизда истиқлол йилларида фуқароларимизнинг Ўзбекистон Рес-

бораётгани аниқланди. Сўровда қатнашган аксарият кишиларнинг (қарийб 90 фоиз) Ўзбекистонда ҳар бир одамнинг ҳуқуқлари Конституциямиз нормаларига мувофиқ тўлиқ таъминлангани ва ҳимоялангани, барча ислохотлар инсон манфаати йўлида амалга оширилаётганига ишончи комил. Улардан 95,4 фоизнинг фикрича, мамлакатимизнинг барча жойларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари тенг амалга оширилмоқда. Сўров иштирокчилари, миллати, ёши ва яшаш жойидан қатъи назар, ўз ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ риоя этилаётганини таъкидладилар. Бундан ташқари, аҳолининг фикрига кўра (94,6 фоиз), мамлакатимизда ёрдамга муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида сатималар чоралар кўрилмоқда ҳамда бу юртдошларимизнинг кайфиятини кўтармоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси фуқароларимизнинг консти-

Иштирокчилар Ўзбекистонда виждон ва дин эркинлиги (97,5 фоизи), таълим олиш (91,3 фоизи), меҳнат қилиш ва дам олиш (95,3 фоизи), маллаки тиббий хизматдан фойдаланиш (93 фоизи), ижтимоий таъминот (90 фоизи), мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (89,3 фоизи), сайлаш ҳуқуқи (94,4 фоизи), жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида эркеклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги (95,1 фоизи), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (89,1 фоизи), сўз ва эhtiқод эркинлиги ҳуқуқи (89,4 фоизи) тўлиқ таъминланганини қайд этди.

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан ҳар йили ўтказиладиган ижтимоий тадқиқотларнинг қиёсий натижаларига кўра, мамлакатимизда эhtiқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатни ижобий баҳолайдиган фуқаролар сони барқарор кўпаймоқда. «Диний эhtiқодларингизни таъминлаш учун барча зарур шароит мавжудми?» деган са-

волга 91,6 фоиз фуқаролар ижобий жавоб берди. Айни вақтда сўров натижалари Ўзбекистон дунёвий ривожланиш йўлидан оғишмай бораётганини ҳам тасдиқлади ва сўров иштирокчиларининг 90 фоизи бунга ишонади.

Ўтказилган ижтимоий сўров унда иштирок этган аксарият юртдошларимиз (99,1 фоизи) Президентимиз Ислон Каримовни Ўзбекистонда конституциявий тузумга риоя қилиш, барқарорликни сақлаш, мустақиллигини мустақамлаш ва мамлакатимизнинг демократик ислохотлар ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан муваффақиятли боришининг асосий кафолати, деб ҳисоблашини яна бир бор тасдиқлади.

Сўров натижалари жамиятимизда фуқароларнинг демократик мақсад ва қадриятларга содиқлик даражаси ўсиб бораётганидан далолат беради. Тадқиқот давомида олинган маълумотларга кўра, бу аҳолининг Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ривожланган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги стратегик йўлни тўлиқ қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир. Жамоатчиликнинг (сўралганларнинг 98,8 фоизи) Президентимиз узоқни кўзлаб, оқилона сиёсат юритаётганига ишончи комил. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча аҳолиси эртанги кунга ишонч билан яшамоқда, Ўзбекистон мустақиллигини янада мустақамлаш, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ў.А. МУХБИРИ А.ИВАНОВА тайёрлади**

**Иқтисодиёт**

**ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР**

**Маҳсулот сифатини ошириш баробарида турларини кўпайтириб, бозорда ўрин топаётган корхоналардан саналган «Raferti» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб, буюртмачилар сафи ҳам кенгаймоқда.**

Корхонада олинган кредит маблағларидан сарфмалари фойдаланиш муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган беш йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 20 баробарга ўсганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Айни пайтда корхонада «Raferti» савдо белгиси остида 40 хилдан зиёд озиқ-овқат маҳсуллари ишлаб чиқарилмоқдаки, улар импорт ўрнини босиши баробарида сезиларли даражада ағзон ҳамдир.

— Фаолиятимизни уч нафар ходим билан бошлагандик, бугунга келиб уларнинг сафи беш бараварга ошди, — дейди корхона молиявий директори Шерали Улканбоев. — Албатта, маълум мутахассисларимиз меҳнати ўз самарасини бермоқда. 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган майонез, кетчуп, горчица, сирка, зўра ва ҳажмида қадокла наётгани ҳам харидорларимизни мамнун этмоқда. Ўтган йилдан бошлаб кўк ва қора чой қадонлари ҳам йўлга қўйдик. Бунинг учун замонавий технология линиядан фойдаландик.

Ўтган йилда 140 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йил якунига қада ушбу кўрсаткични 200 миллион сўмга етказиш белгиланган. Узум ва олма сиркаси каби янги маҳсулотлар тайёрлаш, экспортни йўлга қўйиш мақсад қилинган.

Ҳозирда корхона кенгайтириш, янги технология усуллари келтириш ва шу асосда 25 тўққимча иш ўрни яратиш борасида савий-ҳаракатлар ҳам бошланган.

**ЎЙМАКОР УСТА МАҲОРАТИ**

**Аждодлардан авлодларга ўтиб, тобора сайқал топаётган ёғоч ўймакорлиги халқ амалий хунармандчилигининг алоҳида жозибасига эга йўналишларидан саналади.**

Ёғоч ўймакорлари орасида ёш усталарнинг кўпайиб бораётгани ҳам хунармандчиликка «Уста-шоғирд» мактаби ривожига қаратилаётган эътибор самарасидир.

Оддий ускуналар ёрдамида ўзининг бор меҳоратини намойён этиб, устозлари ишончин оқлаётган Мирсаид Нигматов ёғоч ўймакорчилигининг паргор ва ислимий усулларида фойдаланган ҳолда бетакрор буюмлар яратмоқда. Унинг миллий хунармандчилигимиз намуналар нафақат юртимизда, кўплаб хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда ҳам эътибор қозонмоқда.

— Менга маҳорат сабоқларини эринма ўргатган устозларим Зиннатулло Алимбоев, Шуҳрат Азимовлардан беҳад миннатдорман. Уларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатларига ҳар доим амал қиламан, — дейди Мирсаид Нигматов. — Ижодий изланишларим натижалари ҳам ортиб бормоқда. Жозибали ёғоч ўймакорлиги буюмлари яратиб, миллий хунармандчилигимизни ривожига муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилганман.

Мирсаид асосан чинор, ўрик, ёнғоқ дарахтларидан фойдаланиб, турли буюмлар яратади. Нақшлар жилоси эса хунарга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ифодаси сифатида намойён бўлади. Янги ёғлар, тинимсиз изланиш ёш устага доимий ҳамроҳ бўлиб, унинг эзгу мақсадлари ушбу лишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛДАГИ МАХСУС КИЙИМЛАР**

**Замон билан ҳамнафас бўлиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг талабга мослигини, бозорбўлигини таъминлайди.**

«Иродат текс» масъулияти чекланган жамиятида бу омилларнинг муваффақиятини кўриш мумкин.

Корхона маҳсули иш кийимлари тайёрлаб бўйича етакчилардан саналади, десак муболағ бўлмайди. Ўтган ўн йиллик фаолияти давомида бу ерда тикилаётган либослар тури минг хилдан зиёдни ташкил этаётгани, ўзимизда тайёрланган газламалардан юксак дизайнли мисоллар яратилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

«Иродат текс» МЧЖда 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги исбатиди, маҳсулот сифатида кўринмоқда.

**Шарофат БАХРОМОВ**

**Ўқув муассасаларида**

**Тошкент давлат юридик институти ташаббуси билан Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган «Изчил ислохотлар асоси» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.**



**ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ПОЙДЕВОРИ**

Тадбирда мамлакатимиз Бош Қомусининг ёшлар манфаати таъминланишида тутган ўрни хусусида фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларга Конституциянинг мазмун-моҳияти амалда ўз ифодасини топаётганини, уларнинг ҳуқуқлари, қизиқиш ва интилишлари рўйбега чиқаётгани ҳақида ўртоқлашиш ва шу қаторда давлатимиз раҳбари томонидан Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида билдирилган фикрларни ёш авлодга тушунтириб боришдан иборат.

Давра суҳбати ноанъанавий интерфаол усулда олиб борилиб, асосан савол-жавоб шаклида ўтказилган иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида «Ҳуқуқ билимдонлари-2010» фильми намойиш этилди.

**И.ДИЛШОДОВ**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази ҳамда Имом Бухорий халқаро жамағатининг вакиллари, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юрталари талабалари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбега чиқариш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш учун барча шарт-шароит яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тошкент ислом университетида 500 нафардан зиёд талаба диний, ижтимоий-маъ-

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**Тошкент ислом университетидан Баркамол авлод йили муносабати билан «Дунёвийлик ва динийлик — ёшлар нигоҳида» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

рифий соҳалар билан бир қаторда ҳуқуқшунослик, халқаро иқтисодиёт ҳамда замонавий информацион технологиялар бўйича таълим олмақда. Ёшларни Ватанимиз тарихи ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида изчил ишлар олиб боришмоқда.

— Юртимизда биз, ёшлар учун замонавий билим ва маънавий қадриятларни уйғун эгаллаб, баркамол инсон ва малакали кадр бўлиб етишишимиз учун ҳамма имконият мавжуд, — дейди ЎЗА мухбирига Тошкент ислом университети магистранти Бобурмирзо Исмоилов. — Глобалла-

шув жараёнида диний ва дунёвий тушунчалар уйғунлигини тўғри аңлаш, ён-атрофдаги воқеаларга ҳушёрлик билан қараб, дахлдорлик ҳисси билан яшаш — давр талаби.

Анжуманда фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўрни, миллий ва замонавий қарашлар ўртасидаги уйғунлик, ёшлар салоҳиятини юксалтириш, глобаллашуш шароитида ахлоқий тарбия, диний экстремизм ва терроризмнинг жамият тараққиётига таҳдиди, баркамол авлод тарбиясида дунёвий ва диний билимнинг аҳамиятига бағишланган маърузалар тинланди.

**Сайёра ШОЕВА**

куранинг жамият тараққиётидаги ўрни, айрим иборалар бўйича ҳам афроғлича кенг фикр алмашув бўлди.

Тадбир давомида намойиш қилиб берилган фотосуратлар ва видеотасвирлар кўтарилган мавзуларнинг мазмун-моҳияти билан уйғунлашиб борди.

Семинар якуни бўйича фаол катнашчиларга сертификатлар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР ҚАМРАБ ОЛИНДИ**

**Тошкент автомобиль йўллар институтида «Дунёнинг мафкуравий манзараси-2010» ўқув курси дастури бўйича маънавий-маърифий мавзуга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққан Республика миллий гога ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Мухаммад Куронов, доцент Шавкат Тўраев ва

бошқалар давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига илгари сурилган долзарб мавзуларнинг илмий-назарий ва ама-

лий томонлари хусусида тўхталиб ўтишди.

Профессор-ўқитувчилар фаол қатнашган уч кунлик семинарда маф-



# ФАЙЗЛИ

## ОҚШОМЛАР

«Взгляд» газетасининг хабар қилишича, шу йил охирига бориб АҚШда самолёт ва автомобиль гибриди бўлиб, Transition номини олган учар автомобилларни узлуксиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Terraugia компанияси бу ишни амалга оширади. Янгиликнинг моҳияти шундаки, у энгил тигдаги самолёт бўлиб, қанотлари тахлаб қўйилганда одатий автомобилга айлана олади. Аслида уни шу йил ёзида ишлаб чиқара бошлаш режалаштирилган, аммо стартап номаълум сабабларга кўра чектирилди. Terraugia компанияси йилига 500 данадан шун-

### Автоолам

#### ЯҚИН ОРАДА УЧАР МАШИНА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

дай автомобилларни чиқаришни режалаштирган. Унинг нархи тахминан 194 минг долларни ташкил этиши керак. Икки ўринлик Transition ҳавода тезлигини соатига 185 километрга етказиб, 430 килограмм юкни кўтара олади. Автомобиль парашют билан таъминланган. Уни бошқариш учун ҳайдовчи ва учувчи гувоҳномалари

бўлиши талаб этилади. Учар автомобиль эгалари сайтида маълум қилинишича, бундай машиналардан тижорат ва ҳарбий мақсадларда, ёнгинларни ўчиришда ва чегараларда патруль хизмати амалга оширишда, йўқолганларни излашда ва почтани шошилини етказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Момоларимиз оилада фарзандни дунёга келтириш масаласига алоҳида аҳамият бериб, яхши кунларни танлашни тавсия қилган. Мунажжимлар эса инсоннинг бахти, мансаб пиллапояларидан юқорилаш имконияти ва саломатлигига унинг туғилган кунининг таъсири катта бўлади дейди.

Эндиликда шу масала билан шифокорлар ва психологлар шуғулланишмоқда, деб ёзади Die Welt газетаси. Вазн оғирлигига, қандли диабетга, юрак-қон томир тизими хасталиклари ёки аллергияга мойиллик, афтидан инсон туғилган ойга боғлиққа ўхшайди. Ҳатто одамнинг тортинчоқ ёки жасур бўлиши, чапақай ёки унақайлиги, унинг фарзандлари кўп бўлиши ҳам туғилган кунига боғлиқ, деб ҳисоблашмоқда тадқиқотчилар.

1950 йиллардаёқ австриялик шифокор Штур саратон касаллиги билан оғирган мижозларнинг кўпчилиги муайян ойларида дунёга келганига эътибор берганди. У саратон касаллигидан вафот этган қариёб уч минг бемор маълумотлари устида таҳлил ишларини олиб борди. Натига унинг тахминларини тасдиқлади: май ва август ойлари оралиғида туғилганлар учун саратон касаллигига дучор бўлиш хавфи анча кам эди. Кейинги йиллар давомида

### Дам олиш соатларида

ўтказилган тадқиқотлар ҳам шундай натижа берди. Кўзда дунё юзини кўрган кишилар ўз туғилган кунларини ҳамisha кўлаб дўстлари ва қариндошлари даврасида нишонлашади. Улар энг кекса ёшларгача умр кўришади, дея хулосага келишди Ростокдаги Макс Планк ном-

лар касаллик тарихини тадқиқ этиб кўришди. Маълум бўлишича, қиш даврида туғилган аёлларда холестерин даражасининг юқорилиги, ўпка фаолиятининг пасайиши, шунингдек юрак қон-томир касалликларига мойиллик кўзга ташланади. Йилнинг совуқ ойларида дунёга келган аёллар-

ган сўровлар доирасида психология профессори туғилган ой билан одамнинг ҳаётга муносабати ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ этди. Ўзда туғилганлар бошига бахт куши кўпроқ кўнаркан – уларнинг ўзлари шундай деб ўйлашаркан. Уларнинг ўзларига берадиган баҳолари, келажакларига ишончлари – юқори, ҳаётга муносабатлари куз ва қишда туғилганларга қараганда ижобийроқ бўлиб чиққан, деб ёзади газета.

Бу тадқиқотларнинг астрологияга, яъни мунажжимликка ҳеч ҳам алоқаси йўқ. Олимп турли омилар сабаблари илмий асосларда изохлашади. Ҳомилалик вақти ва ҳаётнинг дастлабки ойларида атроф-муҳит омиллари одамларга турлича таъсир кўрсатади. Шу даврда гўдакка турли омиларнинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий ривожига узоқ давом этувчи таъсир кўрсатади. Мулоҳазаларга кўра, туғилган ой одамнинг қизиқиши ва ёқтирмайдиган нарсаларига таъсир этади ва афтидан, баъзи касалликларга мойиллик ёки бошқа баъзиларига чидамлилики омили бўлиши мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, қатъий равишда «фалон ойлари» яхши-ю, бошқалари ноқулай деб бўлмайди. Ҳар бир оининг ўз жиҳатлари бор.

### ФАРЗАНД БАХТИ

ли демографик тадқиқотлар институти мутахассислари Габриэла Добльхаммер-Райтер ва Жеймс Воупеллар. Улар 1968 йилдан 1998 йилгача оралиқда Австрия, Дания, АҚШ ва Австралияда вафоти олдидан 50 ёшдан катта бўлган бир миллионга яқин кишига оид маълумотларни таҳлил этиб чиқди.

Жанубий ярим шарда туғилган кунлар анча кейинга сурилади: узоқ умр кўрган австралияликлар асосан апрель-июнь ойларида дунёга келаркан.

Қишда туғилиш, афтидан, баъзи бир касалликларга чалиниш хавфини оширади экан. Бристоль ва Эдинбург университетларидан Дебби Лоулор ва Ричард Митчеллар яқинда 1919 йилдан 1940 йилгача Буюк Британиянинг 23 шаҳрида туғилган 60 дан 79 ёшгача бўлган 4286 аёл-

да юрак қон-томир касалликларида дучор бўлиш хавфи тахминан 24 фоизга кўпроқ бўлиб чиқди.

Инсон дунёга келган ой бошқа омиларга ҳам, масалан, бўйнинг ўсиши ва оптимист-қувноқлигига ҳам таъсир қиларкан. Чунончи, Вена университети 500 мингдан ортиқ ҳарбий хизматга қабирилувчилар устида ўтказган тадқиқотлар кўрсатишича, баҳор ойларида туғилганларнинг бўйлари бошқа даврларда туғилганларга нисбатан баланд бўлган. Чапақайлар кўпроқ сентябрь ойдан февралгача дунёга келади. Баҳорда туғилган болалар эса жуда тортинчоқ бўларкан.

Бахтли кишилар ёз ойларида дунёга келишаркан. Хертвордшир университети-дан Ричард Вайзман тадқиқотлари шундан далолат беради. 40 минг киши қатнаш-

### Саломатлик

#### ИЧКИ СОАТГА ЗИД ҲАЁТ ТАРЗИ

Ички (организм) соатига зид ҳаёт мароми (ритмининг) саломатликка зарари ҳақида ёзаркан, Die Welt газетаси сменали ишнинг хавфига алоҳида эътибор қаратади. Рамзий маънода ички соат деб ном олган организмнинг ички ҳаёт мароми, дея ҳикоя қилади нашр муҳбири, одамнинг уйкудаги вақти ва оғоҳлик вақтини белгилаб беради, шунингдек, тана ҳарорати ва гормонлар ишлаб чиқарилишини тартибга солади. Кун ва туннинг алмашиши ҳамда унга зид келадиган, ва жамият эҳтиёжлари тақозо этадиган «ижтимоий» вақт организмнинг ички маромига энг кўп таъсир кўрсатади.

Шу ва шунга ўхшаш муаммоларни ўрганиш билан шуғулланаётган Мюнхен тиббиёт психологияси институти хронобиолог олими Тиль Реннеберг ички ҳаёт ритми инсон учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди ва шунинг учун ҳам киши вақтдан ёзги вақтга ва бунинг аксига ўтиш тадбирига қарши чиқади. Айни пайтда у саноти ривожланган мамлакатларда меҳнатқашларнинг қариёб 20 фоизи банд бўлган сменали ишни ҳам ёкламайди.

Шунингдек, Реннеберг табиий ритмларнинг турли хиллари мавжудлигига, одамларнинг «бойўғли» ва «тўрғай»ларга бўлинишига эътиборни қаратади. «Бойўғли», яъни тунни кўпроқ уйғоқ ўтказадиганлар аҳолининг 60 фоизини ташкил этаркан. Яқин-яқинлардан бошлагани, деб ёзади Die Welt, олимлар ички ритмига зид ҳаёт тарзининг саломатликка зарари ҳақида гапирга бошлашди. «Агар биз ички соатларимизга қараб ҳулайдиган бўлсак, кун бўйи камроқ чарчардик, яхшироқ ишлаб, камроқ касал бўлардик», — дея таъкидлайди Реннеберг.

### Ғаройиботлар

#### МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР ОШКОР ЭТИЛДИ

Буюк Британия миллий архиви ўтган ойда НУЖ(номаълум учувчи жисм)лар билан учрашувларни тасдиқловчи ҳужжатларни ошкор этди. Уларда ушбу ҳодисаларни махфийлаштиришни буюрган Буюк Британия бош вазир Уинстон Черчиллнинг имзоси турибди.

Қироллик ҳарбий-ҳаво кучлари учувчиларига ҳам НУЖлар билан учрашувлар ҳақидаги ахборотларни сир тутиш буюрилган эди. Афтидан, Черчилл жамиятда саросималик вужудга келиши ва одамларда ишонч йўқолишидан қўрққан бўлса керак.

Махфийлик грифи 1995 йилдан 2003 йилгача бўлган ҳужжатларга тааллуқли. Жами бўлиб 5 минг саҳифа ҳужжатлар ошкор этилган. Уларнинг ҳар бирида НУЖлар билан учрашувлар батафсил ёзиб қолдирилган.

Ҳужжатларни махфийлаштириш олдидан Черчилл Европадаги иттифоқчи қўшинлар қўмондони Дуайт Эйзенхауэр билан маслаҳатлашган. Шундан кейин учрашувлар далилларини камида 50 йилга махфийлаштиришга қарор қилинганди.

Черчилл НУЖлар мавзусига жуда қизиққан. У бу ҳақдаги хабарларни диққат билан кузатиб, уларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этишга интилган. Бундан ташқари, Черчилли НУЖлар инсониятга хавф туғдириш-туғдирмаслиги масаласи таъшишга солган. Бироқ шун ҳам таъкидлаш жоизки, барча номаълум учувчи жисмлар ҳам биз ўйлаган НУЖлар бўлмаган. НУЖларнинг аксарият қисми шўро ҳарбий самолётлари бўлиб чиққан. «Совуқ уруш» йилларида улар Буюк Британия ҳудудига тез-тез учиб кириб туришган.



### Табиат неъматлари

#### ПИЁЗ ХОСИЯТИ

Француз олимлари, пиёз организмда қариш жараёнларини тўхта-тишга қодир, деган хулосага келишди. Аммо, бу сабзавот яна бир фойдали хусусиятга эга экан. Яқинда олиб борилган тадқиқотлар мутахассисларнинг пиёз одамнинг ақлий қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради, деган

хулоса қилишларига олиб келган. Ушбу махсулот таркибига кирувчи фаол бирикмалар организмга тушганда, кўпгина муҳим марказлар ишини фаоллаштири бошлайди. Жумладан, фаол антиоксидантлар туфайли эркин радикаллар ҳаракати жиловланади ва шунинг ҳисобига қариш

жараёнлари секинлашади. Нафақат ички аззолар, балки мия ҳужайраларининг ҳам ёшариши юз бериб, бунинг натижасида хотира яхшиланади, диққатнинг жамланиш қобилияти ортиб, кайфият кўтарилади.

Пиёзнинг азалдан маълум бўлган яна бир хусусияти – организм иммунитетини мустаҳкамлаш ва кўқрак саратонига қарши кураш қобилиятини оширишдан иборат.

### Гиннес рекордлар китобидан

#### ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Дунёда энг кўп фарзанд туққан аёл, 1782 йилдаги расмий маълумотларга кўра, 1725 йилдан 1765 йилгача оралиқда 69 гўдакни дунёга келтирган. Рус деҳқони Фёдор Васильев аёлининг 27 марта кўзи ёриган ва 16 марта эгизакларни, етти марта уч эгизак, тўрт марта тўрт эгизакни туққан. Улардан фақат икки нафари гўдаклигига вафот этиб кетган.

Бизнинг замондошларимиздан Чилининг Сае-Антонио шаҳридан Леонтина Альбина энг сермахсул она ҳисобланади. У 1943-1981 йиллар давомида 55 гўдакни дунёга келтирган. Беш маротаба ундан уч эгизак туғилган.

Энг кўп марта туққан аёл – Буюк Британия Хартфордшир графлиги Эбботе-Ленгли шаҳрида яшовчи Элизабет Гринхиллди. Унинг 38 марта кўзи ёриган, 39 фарзанд кўрган. Улардан 32 нафари қизлар, етти нафари ўғил болалар бўлган.

Энг улғу ёшда фарзанд кўрган аёл – 63 яшар витеربولик (Италия) Розанна Далла Кортадир. У ўғил фарзандни дунёга келтирган.

Бундан олдин у бепуштлиққа қарши даволаш курсидан ўтган.

Энг оғир вазни чақалоқ, расмий маълумотларга қараганда, 10,2 килограмм вазнга эга бўлган. У 1955 йилда Италиянинг Аверсанида Кармелина Федерелдан дунёга келган ўғил боладир. Бизнинг давримизда туғилган вақтида 7 килограмм вазнга эга бўлган чақалоқ Гай Уорвик Карр 1992 йилда олам юзини кўрган.

Дунёда энг энгил вазни чақалоқ 1989 йили 27 июнда АҚШнинг Иллиной штати Лойолла университети тиббиёт марказида туғилган. Муддатидан олдин дунёга келган бу чақалоқ қиз бола бўлиб, атиги 281 грамм вазнга эга бўлган.

Эгизакларнинг дунёга келиши-да биринчиси билан иккинчисининг ораси энг узоқ бўлган ҳолат АҚШнинг Пенсильвания штатида рўйхатга олинган. Хаттинтонлик Пегги Линн қизалоғи Ханнани 1995 йил 11 ноябрда туққан, эгизагининг иккинчиси – ўғли Эрикни эса, 84 кундан кейин, яъни 1996 йил 2 февралда дунёга келтирган.

Масалликлар: 500 г макаронга 1 стакан пишлоқ ёки бринза, 4 дона туҳум.

### Уй бекаларига

#### МАКАРОНЛИ ПИШИРИҚ

1 стакан шакар, ярим стакан ёғ, ярим литр сут олинади. Тайёрлаш усули: Макаронни сал шўрроқ сувда қайна-тиб пиширинг (макароннинг ўрнига вермишель ёки угра со-

лиш мумкин). Макарон эзилиб кетмаслиги керак, кейин совуқ сувда ювиб, сувини силқитинг. Ёғ суртилган товага макаронни солиб, туҳумни қақиб, сут билан аралаштириш ва

шу аралашмани макароннинг устига қуйиб, 25-30 дақиқага духовкага қўйиш керак. Макарон қизғиш тусга киргунча кутасиз (бу тоамга пишлоқ ёки бринза ҳам қўйиш мумки).

### Бу — қизиқ

#### ИНСОНГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

- Соқолнинг узунлиги бир йилда ўртача 140 миллиметрга етиши мумкин.
- Ёмон санитария шароитлари туфайли дуч келинадиган инфекциядан йилига 4 миллион киши дунёдан кўз юмади.
- Эркалар сочининг диаметри аёлларникига нисбатан икки марта йўғонроқдир.
- Ўрта бармоқлардаги тирноқлар бошқаларига нисбатан тезроқ ўсади.
- Таъм билан рецептнинг умри 10 кунга тенг.
- Энг ёш фарзанд кўрган ота-оналар ёши 8 ва 9 яшар бўлиб, улар 1910 йили Хитойда рўйхатга олинган.
- Машҳур бўлиб кетган энг катта буйрак тошининг оғирлиги 1,36 килограммга тенг бўлган.
- Статистик маълумотларга кўра, инсон 8,4 метр соқолларини олишга умри давомида 3350 соат вақт сарфлар экан.
- Ўнг кўли билан ёзадиган кишилар овқатни ўнг жағларида чайнашса, чапақайлар чап жағларида овқатни чайнашаркан.

**Халқ таълими вазирлиги томонидан декабрь ойи «Миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанлар ойлиги» деб эълон қилинди.**

Пойтахтимиз мактабларида Миллий истиқлол ғояси ва ватан туйғуси фанининг мазмун-моҳиятини ўқувчига теранроқ етказиб бериш мақсадида ойлик давомида замонавий педагогик технологиялари асосида очик дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб белгиланди.

Айни кунларда бошланган тадбирлар давомида ўқувчиларга миллий истиқлол ғояси ва миллий маданиятнинг ўзига хос тамойиллари ва тушунчалари содда усулда етказилиб берилаётганини кузатиш мумкин.

Ойлик давомида болаларнинг нутқини ўстириш, жамоат ишларида фаоллигини ошириш ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камал» болалар ташкилотининг фаолиятини мактаблар кесимида кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида «Мактаб ўқувчилар бошқарувида» шиори остида саёҳат ташкил этилиши кўзда тутилган.

Фан ойлиги давомида ҳар бир дарснинг биринчи соатида «Дунё ва юртимиздаги янгиликлар» мавзусида ўқув дари ўтказиб борилади.

Шунингдек, миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанлар бўйича турли интер-

фаол усулдаги очик дарслар ташкил қилиниши, олимлар, шоирлар, ёзувчилар билан ижодий учрашув, адабий кечалар уюштирилиши кутилмоқда.

**ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОЙЛИГИ**

— Иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаб, изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Эртаклар яхшиликка етаклар», «Энг яхши кичик томошабин», «Бугунги кун ўқитувчиси», «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши фан хонаси» кўрик-танловлари, «Компьютер ва интернет фақат билим учун» мавзусидаги акция, «Мен ҳавас қилган инсон», «Оламаро ягонасан, Ўзбекистон!», «Миллий ғоя тасвирларда акс этар» мавзуларида иншолар, расмлар ва фотолавлар танлови ўтказилади, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Замира Азимбоева. — Эътиборлиси, ойлик баҳона педагог ва ота-оналар иштирокида «Ҳар фарзандга бир ойда учта китоб» акцияси ўтка-

зилди. Шунингдек, устоз ўқитувчилар ёшларга Юртбошимизнинг жорий йил ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида кўтарилган долзарб масалалар юзасидан тушунчалар бериши режалаштирилган. Албатта, асосий мақсад таълим самарадорлигини янада ошириш, ижодкор педагог ва иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиш ва уларнинг иш таърибасини оммалаштиришдир.

Жойларда турли мавзуларда ўқув машғулоти ҳам бошланди. Жисмоний тарбия ва спортнинг ўқувчи саломатлиги ва камолоти учун муҳимлигини инobatга олиб, ойлик давомида «Баркамол авлод — юрт таянчи» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Фан ойлиги давомида шаҳар мактаблари ўқитувчилари Раъно Турғунбоева, Татьяна Забарина, Мархабо Курбонова, Эътибор Назарова, Махбуба Саломованинг замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган намунали очик дарслари кенг тарғиб этилади.

Бундан ташқари, «Ёш таълимчилар» мавзусида илмий конференция, «Устоз-шоғирд» мактаби ҳамда «Ёш лидерлар клуби» аъзоларининг ижодий йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган.

Азима ҚИЁСОВА



Пойтахтимизда «Рус қўшиғи» фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

**Танловлар ЁШ ИЖРОЧИЛАР МАҲОРАТИ**

Фестиваль шартларига кўра рус қўшиғи ихлосмандлари халқ қўшиқлари, қадимий романслар, Чайковский, Розенфельд, Глинка, Струве асарларини маҳорат билан ижро этишди.

Яккаҳон ижрочилар ўртасида В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган махсус мусиқали академик лицей ўқувчиси Бехзод Содиковга тенг келадиганлар топилмади. Унинг жарангдор тенор овози барчани қойил қолдириди. Валишер Чориев эса афгон рубобида рус халқ му-

сиқасини ажойиб тарзда ижро этди.

Таъкидлаш жоизки, Валишер каби бошқа қатор ижрочиларнинг ҳам маҳорати рус классик асарларини шарқининг миллий мусиқали асбобларида ўзига хос тарзда ижро этиш мумкинлигини исботлади. Фестивалда иштирок этган ўн бешдан ортиқ миллат вакиллари орасида энди ўн баҳорни қаршилаган Акмал Насимов «Ёш иқтидорлар» дипломига сазовор бўлди.

Д.ИСМОИЛОВ  
Алексей Попов  
олган сурат



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ  
ЕР-СУВ, ДЕҲҚОНЧИЛИК,  
МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ҲАҚИДА

Ёзги меҳнат — кишки роҳат.

Ёзнинг ёзиғи — қишнинг озиғи.

Ёзнинг меваси — қиш хазинаси.

Ёмғир билан ер кўқарар,  
Меҳнат билан эл кўқарар.

Жондан кечмай, жонона қайда?  
Токқа чиқмай, дўлона қайда?

Инсон қўли — гул.

Интилганга — толе ёр.

Иш битгач, маслаҳатчи кўпарар.

Иш бор ерда ош бор.

Иш бор ерда хато бор.

Ишга кўним — хирмонга унум.

Ишлаб топганининг оши лаззатли.

Ишлаганинг уйинга,  
Ўрганганинг уйинга.

Ишлаган киши ҳоримас.

Ишлаганининг оғзи ошга тегар,  
Ишламаганининг боши тошга тегар.

Ишлаган — тишлайди,  
Ишламаган — кишнайди.

Ишлаган — хор бўлмас.

Ишламаган — тишламас.

Иш — иштаҳа очар,  
Дангаса ишдан қочар.

Ишликнинг иши битар,  
Ишсизнинг куни ўтар.  
Иш қилганга — қоп-қоп,  
Қилмаганга — бўш қоп.

Иш қуролинг соз бўлса,  
Машаққатинг оз бўлар.

(Давоми бор)

**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**

**АВТОМОБИЛИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ**

Шундайлар ҳам борки, машинами, демек уни фақат ҳайдаш керак деб ўйлашади... Эътиборсизлик эса вақти келиб, кўнгилсизликка олиб келиши мумкин.

Маълумки, машинани асосий ҳаракатлантирадиган куч ёқилғи ҳисобланади. Ёқилғи, яъни бензин, керосин ва табиий газга салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетишига олиб келади. Бундай пайтда ёнғин ўчиргич

Одатда машина бошқараётган кишининг нияти кўзлаган манзилга тезда етиб олишдан иборат бўлади. Яна бошқа ҳайдовчи асосий эътиборни машинасига иложи борича гард юқтирмакликка ҳаракат қилади.

бўлса, ҳайдовчи бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёки машинанинг техник кўрик муддати анча

ўтган бўлса, унинг электр қисмлари қизиб кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келади.

Агар таҳлилларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда автомашиналар билан боғлиқ ёнғинлар сони 402 тани ташкил этган. Оқибатда 35 нафар фуқаро тан жароҳати олган, олти нафари ҳалок бўлган. Фуқароларга 407,2 миллион сўмдан зиёд миқдорда моддий зарар етказилган.

Ёнғинларнинг деярли барчаси автомашиналардаги электр симларининг носозлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабабли содир бўлган.

Ҳайдар МУСАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ ЁХББ бўлим бошлиғи

**ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ**

Турин политехника университети Тошкент филиалида ёнғин хавфсизлиги ойлиғига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЁООБ ходимлари йил давомида республикамизда содир бўлган ҳалокатли ёнғинлар ҳақида, улар туфайли кўрилган моддий ва маънавий зарар борасида ахборот беришди.

Учрашув давомида талабаларга, шунингдек олий ўқув юрти ўқитувчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилиш, фавқулодда вазиятларда фуқаролар қандай ҳаракатланиши лозимлиги юзасидан

тегишли маълумотлар ҳам берилди. Бу каби эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик ёнғин хавфсизлиги ойлиғи туғалар ҳам давом этиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Наргиза АСАДОВА

**ТИЖОРАТ ҲАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири шартли равишда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар, М.Улугбек туманлараро судининг 23.06.2010 йилдаги 20080/81-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва техникалар қўйилмоқда: 1. «КамАЗ-5410» русумли, д/р 3023762 бўлган, 1983 йилда и/ч юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 047 876,30 сўм. 2. «ТМ 11М/1-20» русумли, д/р 101494 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркама ва яримтиркама. Бошланғич баҳоси — 15 391 252,80 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 11 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт ва техникалар билан туман суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда мунтазам аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилмоқда.

**БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК**

Маълумки, газ ва электр энергияси нафақат турли соҳаларда, балки оила рўзғорида ҳам ўрни беқийб. Аммо улардан фойдаланишга келганда, ҳамма ҳам эҳтиёткорлик чораларига бирдек амал қилмайди. Бу борада озгина хато ёки бир зумлик бепарволик катта фожиага олиб келиши мумкин.

Иситиш мавсумида кўп қаватли уйларда газ ёки электр плитасини ёқиб қўйиш йўли билан хоналарни иситишга уринувчилар ҳам топилади. Эҳтиётсизлик

кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келишини улар ёддан чиқариб қўяди. Газ ҳиди сезилганда, гурут чақиш, газ плитасига резина шланг улаб, фойдаланиш мумкин эмаслигини фуқаролар яхши билган ҳолда эҳтиётсизлик кўрсатади. Оқибатда эса фожиа рўй беради.

Бу каби ҳолларнинг олдини олиш учун иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъиян тақиқланади, ёш болалар-

нинг газ плитаси ва электр иситгичлар атрофида ўйнашига йўл қўймаслик ва уларни ёлғиз назоратсиз қолдирмаслик лозим.

Ушбу тавсиялар узоқ йиллик тажрибадан ва ҳаёт заруриятидан келиб чиққан амалдаги қоида талабларидир.

Ёнғинлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 70 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ печларидан ва турли ҳолдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда.

Инсон умри ҳазон бўлмаслиги учун барчамиз олов манбаларидан унумли фойдалана билшимиз зарур. Бунинг учун, таъкидланганидек, газ ва электр жиҳозларидан фойдаланишда қоидаларга қатъий риоя қилиш лозим. Шунда ҳеч қачон кўнгилсиз ҳолатлар юз бермайди.

Шерзод ҚОДИРОВ,  
12-ХЕҲО гуруҳ бошлиғи,  
капитан



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2592 нусхада босилади.  
Қроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида террици ва саҳифалани.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 223-уй. Телефонлар 260-28-16 (факс), 260-35-41; 260-35-24.